

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 65 (11.376)

Баҳоси эркин нарҳда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ 31 МАРТ КУНИ ОҚСАРОЙДА УММОН СУЛТОНЛИГИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРИ, МОЛИЯВИЙ ИШЛАР ВА ЭНЕРГЕТИК РЕСУРСЛАР БЎЙИЧА КЕНГАШ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ АҲМАД БИН АБДУНАБИ МАККИЙНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.**

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Уммон Султонлиги билан ривожланиб бораётган ҳамкорликни юксак кадрларини таъкидлади. Ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга, умуман, Ўзбекистоннинг араб дунёси билан ҳамкорлигига доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қўлай имконият эканини қайд этди.

Ўзбекистон билан Уммон ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда. Икки мамлакат ташқи сийosat маҳкамалари ўрта-сидда мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. Уммон араб дунёсининг нуфузли давлатларидан. Уммон билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун бошқа араб мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамлашнинг янги имкониятларини очди. Ўз навбатида Уммон Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида қарайди. Мамлакатимиз билан алоқаларни кенгайтириш орқали бутун минтақа билан ҳамкорликни ривожлантириш имконияти пайдо бўлади.

Ўзбекистон ҳам, Уммон ҳам ёқлиги-энергетика мажмуида улкан салоҳиятга эга, қишлоқ хўжалиги соҳасида катта тажриба ортирган. Нефть-газ соҳасида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшма тадқиқотлар олиб боришдан икки томон ҳам манфаатдор. Икки мамлакат ҳам сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида яхши имкониятларга эга. Хусусан, Уммонда Ўзбекистоннинг тарихий обидаларини, муқаддас қадимликларини зиёрат қилишга қизиқиш катта. UNESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинган Уммонда катта мамнуният билан қарши олинган эди. Халқларимиз қўпласи муштарак анъана ва қадриятларга эга эканлиги гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон билан Уммон ўртасида илм-фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик жadal ривожланмоқда. Уммон мутахассислари Ўзбекистонда ўтатиладиган халқаро илмий анжуманларда мунтазам иштирок этди.

Аҳмад бин Абдунаби Маккий Мақкий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Уммон Султонлиги Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни барча соҳаларда ривожлантиришдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

Сўхбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(Ў.А.)

## «ЎЗБЕКИСТОН ҚЎЛГА КИРИТГАН НАТИЖАЛАР ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЯХШИ АСОС БЎЛАДИ»

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ «ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ» НОМЛИ КИТОБИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ, ИЛМИЙ ВА ЭКСПЕРТ-ТАҲЛИЛ ДИОРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ОРАСИДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙГОТМОҚДА.**

«Президент Ислом Каримовнинг асарини алоҳида қизиқиш билан ўқиб чиқдим, — дейди Италиянинг халқаро иқтисодий ҳамкорлик академияси президенти, «Промотас интернэйшнл» консалтинг компанияси директорлар кенгаши раиси Роберто Тассинари Берти. — Асар Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат иқтисодийётига нисбатан замонавий ва прогрессив ёндашувини ақс эттирган. Бугунги куннинг энг долзарб мавзуларидан бири 2008 йилда пайдо бўлган ва қўламини кенгайтириб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаб ва шароитларини холис баҳолаш ва шунинг асосида инқироз таъсирини енгиб ўтиш бўйича дастур ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Китобда ҳар томонлама ва холисона таҳлил асосида инқирозни енгиб ўтиш чоралари ҳамда Ўзбекистон инфратузилмасини замонавийлаштириш борасидаги ташаббуслар илгари сурилди. Шу ўринда мамлакат раҳбариятининг микрокредитлаш борасидаги оқилона сийosatини алоҳида таъкидлаш истадим. Ушбу ташаббуслар Ўзбекистон иқтисодийётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатишига ишончим комил.

Ўзбекистон Президентининг жаҳон молиявий инқирозидан тезроқ чиқиш ва унинг

таъсирини юмшатиш кўп жиҳатдан давлатларнинг ўзи томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар билан бирга, дунё ҳамжамияти доирасида ҳам қабул қилинаётган чораларнинг самараси ва ўзаро келишилганлигига боғлиқлиги тўғрисидаги фикрига тўлиқ қўшиламан.

Шу билан бирга, муаммо ва қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон 2008 йилда нафақат иқтисодийётининг барқарор фаолият кўрсатиши, балки унинг юқори суръатдаги ўсишини таъминлашга эришгани, инқирозга қарши чоралар дастури ва уни қўллаш механизмларини ишлаб чиқгани ҳам аҳамиятлидир.

Менимча, ушбу дастурни амалга ошириш инқирознинг Ўзбекистон иқтисодийётига салбий таъсирини қамайтириш, мамлакатнинг иқтисодий ўсиши учун ишончли асос яратиш имконини беради».

Италия савдо-саноат палатаси раиси Л. Иперти мамлакатимиз раҳбарининг китоби ҳақида гапириб, жумладан шундай деди: «Ўзбекистон Марказий Осиёда стратегик жиҳатдан муҳим ўрин эгаллайди. Бу юрт ҳақида гап кетганда, инсон кўз ўнгиде Самарқанд, Хива ва Бухоро шаҳарлари гавдаланади.

(Давоми 2-бетда).



«Ташаббус — 2009»

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ 2008 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2009 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ҲАРАКАТИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ. БУНИНГ УЧУН БАРЧА ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН.**

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари йил сайин кўпайиб бормоқда. 2008 йилда уларнинг сони қарийб 400 мингга етди. Улар ишлаб чиқараётган саноат маҳсулоти ҳажми ўтган йили 2007 йилги кўрсаткичларга қараганда қарийб 22 фоизга ошди. Кичик бизнеснинг янги ички маҳсулотдаги улуши 48,2 фоизга етди. Бугун иш билан банд аҳолининг 76 фоиздан ортиғи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳаси аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш даражасини оширишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бозор конъюктураси ва истеъмолчилар талабларига тез мослашиши бу борадаги вазифаларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодийётининг му-

ҳим тармоқларидан бўлиб, аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий манбаларидан ҳисобланади.

Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили ўтказиб келинаётган «Ташаббус» республика кўрик-танлови мазкур тармоқни ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ушбу кўрик-танлов мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириб, мулкдорлар сафини кенгайтириш, тадбиркорларга ўз билим ва малакасини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш учун янги имкониятлар яратмоқда.

2009 йил Юртбошимиз томонидан Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили, деб эълон қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини янада кенгайтириш, унинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва аҳоли, хусусан, қишлоқ аҳоли даромадини ошириш масалаларига алоҳида эътибор

қаратилаётир. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг амалга оширилиши иқтисодийётимизнинг жadal ривожланиши ва халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилади.

31 март куни пойтахтимизда «Туркистон» саройида кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу кўрик-танлов ўтказила бошлагандан буюн унда ўн минглаб тадбиркор, фермер ва ҳўнарманд иштирок этди. Танлов мазкур соҳада илғор тажрибани жорий этиш, янги иш ўринлари очиш, хорижий сармояларни жалб қилиш, импорт ўрнини босувчи ва экспорт маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, тадбиркорлик фаолияти нуфузини, хўжалик юртувчи субъектлар ҳуқуқий маданиятини оширишнинг самарали воситасига айланди.

(Давоми 2-бетда).

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ Янгиликлар, воқеалар



## ТАШАББУСКОРЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ТАНЛОВИ

### ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА УММОН СУЛТОНЛИГИ ИШБИЛАРМОН ДИОРАЛАРИНИНГ БИЗНЕС-ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Уммон Султонлиги Миллий иқтисодийёти вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, нефть-газ, банк-молия, солиқ, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, кимё саноати, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар ҳамда сайёҳлик соҳалари учун маъсул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Элёр Фаниев, Уммон Султонлиги миллий иқтисодийёти вазирлиги, Молиявий ишлар ва энергетик ресурслар бўйича кенгаш раисининг ўринбосари Аҳмад бин Абдунаби Мақкий мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар қатори иқтисодий соҳада ҳам тараққий этаётганини, мазкур форум ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очиб беришига хизмат қилишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Уммон қўллаб соҳаларда улкан салоҳиятга эга давлатлардир. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламини янада оширишнинг имкониятлари катта.

(Давоми 2-бетда).

### Кечка сатрларда

● **КЕЧА** Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўرғазмалар залида Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси, Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамкорликларида «Устоз ва шогирд» бадиий кўрғазмаси ҳамда «Энг яхши миллий либослар туркуми» намоиши бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Тошкент шаҳар Рус миллий маданият марказида «Миллий урф-одатлари-

миз — ҳаётимиз кўрки» мавзусида ўтказилган адабий кеча ва концерт дастури Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорликларида уюштирилди.

● **БУГУН** Тошкент фармацевтика институтида Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан талаба қизлар иштирокида азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган кўрик-танлов «Тошкентнинг ой қизиман» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Урганч шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан сайёр йиғилиш ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги тиббиёт муассасаларининг раҳбар ва ходимлари қатнашган ушбу тадбир ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилишига бағишланди. Йиғилишда соҳага оид қонунчиликнинг ижроси, ОИВ инфекцияси профилактикасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

● Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг Темурийлар тарихи Давлат музейида сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Санъат гўнчалари» кўрик-танловининг очилиш маросими бўлиб ўтди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси томонидан ташкил этилган мазкур танловнинг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги мусиқа мактабларида таълим олувчи вилоят босқичларида голибликни қўлга киритган 70 нафардан зиёд ёш иқтидорли мусиқачилар иштирок этмоқда.

● «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»га бағишланган «Кўзгуда қишлоқ ҳаёти» ҳаваскор фотосуратчиларнинг III анъанавий республика кўрғазмаси якунланди. Танлов натижаларига кўра голиблик сирдарёлик ҳаваскор суратчи Фурқат Тошматовга насиб этди.

● Поп тумани Тўда қишлоғидаги Янгиобод маҳалласига туман «Кимётаъминот» акциядорлик жамияти маблағи эвазига 630 метр узунликдаги полиэтилен қурувлар тортилиб, тоза ичимлик суви олиб келинди.

● Марҳамат туманидаги Полвонтош шаҳарчасида «Полвонтоштекстиль» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Хорижий замонавий дастахона билан жиҳозланган мазкур корхонанинг очилиши 250 нафар кишининг иш билан таъминланишига имкон яратди.

● Қарши шаҳридаги болалар маданият ва истироҳат боғида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмаркада шаҳар ҳудудидаги 172 та корхона ва ташкилотлар 1670 та бўш иш ўринлари билан қатнашган бўлиб, 275 нафар фуқаро иш билан таъминланди, бир гуруҳ ёшлар эса касбага тайёрлаш курсларига юборилди.

● Брюсселда европалик бизнесменларнинг 7-саммити бўлиб ўтди. Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг расмий вакиллари, тадбиркорлар, йирик корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этган саммитда глобал молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

● Буюк Британия пойтахти Лондонда глобал иқтисодий ва молиявий инқироздан чиқиш йўллари излашга бағишланган «Катта йиғирматалик» (G 20) саммитига қизгин тайёргарлик кўриломоқда. Унда хорижий давлатларнинг 40 дан ортиқ делегацияларининг иштироки кутилмоқда. Саммит муносабати билан Лондонда полиция томонидан хавфсизлик чоралари қучайтирилди.

● Исроилнинг янги коалицион ҳукумати қасамдн қабул қилди.

● Греция пойтахти Афинада анархиячиларнинг полиция билан тўқнашувлари юз берди.

● Россияда 1 тонна нефтнинг экспорт божини 110 долларга пасайтирилди.

● «Толибон» радикал ҳаракати Вашингтонда террорчилик ҳуружини ташкил этишга тайёргарлик кўраётганини маълум қилди.

● Россияда бугун баҳорги қақирқ компанияси бошланди. Маълумки, ЮНЕСКО ташкилоти томонидан 2009 йил Николай Гоголь йили деб эълон қилинган. Бугун машҳур ёзувчи таваллудига 200 йил тўлиши муносабати билан Россияда адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

● Россиянинг «Автоваз» компанияси 30 мартдан бошлаб ўзи ишлаб чиқараётган автомобилларнинг нархини 2,5 фоизга оширди.

● Грециянинг Салоники шаҳрида қурилатган метро йўналиши ҳудудидан қадимий некропол қолдиқлари топилди. Археологларнинг сўзларига қараганда, бу ерда Рим ва Византия даврига оид мингдан ортиқ қабрлар бор экан. Қабрларнинг айримлари эраимиздан аввалги V асрга алоқадор бўлиши ҳам мумкин.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Молиявий институтлар, банклар ва жамгарма бозорларига зарба берган жаҳон инқирози капитални жойлаштириш, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг кескин камайишига сабаб бўлиб, бу, ўз навбатида, саноат ишлаб чиқариш миқдори ҳамда бандлик даражасининг қисқаришига олиб келмоқда.

Ўзбекистон ҳам глобаллашув жараёнининг иштирокчиси бўлгани ҳолда, ҳомашё ва саноат маҳсулотлари экспорт нархининг пасайиши тўғрисида даромаднинг камайишини бошдан кечирмоқда. Бироқ ҳар томонлама ўйланган иқтисодий сиёсат, хусусан, иқтисодиётнинг ташқи кредитларга боғланмаганлиги, савдо балансининг ижобий салдоси ва ички талабнинг ривожланиши эвазига инқирознинг амалга ошириш имкон қадар паст даражага туширилган.

Президент Исло Каримов мамлакат 2008 йилда эришган ижобий натижалар ҳақида гуруҳ билан гапирди. Шу ўринда 2008 йилда ялпи ички маҳсулотдаги ўсиш 9 фоизни, саноатда эса бу кўрсаткич 12,7 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоизни ташкил этганини таъкидлаб ўтишни истардим. Экспорт 28,7 фоизга ўсди, давлат бюджети ортиги билан бажарилиб, кўзда тутилган дефицит ўрнига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз миқдорда профицитга эришилди. Бу рақамлар кишини хайратда солади.

Шунингдек, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш тизимини модернизация қилиш, кенг қўламли хусусийлаштириш, ажратилган кредитлар ва берилган имтиёзлар иштирокчилик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда асосий эътибор ишлаб чиқариш жараёнига инновация ва замонавий технологияларни жорий қилишга қаратилади. Шу билан бирга дастур қишлоқ жойларда янги инфратузилмани барпо этиш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқаришни такомиллаштириш каби вазифаларни назарда тутиб, бу ялпи ички маҳсулотни шакллантиришга муносиб ҳисса қўшади ва мамлакат аҳолисининг асосий қисминини иш билан таъминлаш имконини беради.

Президентнинг асарини шарҳлаб, **иктисодиёт профессори, Европа халқаро муносабатлар институти вице-президенти Ж. Липпер хоним** совет давлати парламенти билан сўнг Ўзбекистон ўзига хос ўтиш даврини бошдан кечирганига эътибор қаратади. Олимнинг айтишича, ўша давр учун юқори даражадаги инфляция ҳоли бўлиб, айтиш мумкин мамлакатда Президент Исло Каримов раҳбарлигида инфляциянинг 6,5 фоиз даражасида бўлиши таъминланмоқда ва бу жуда муҳим аҳамият касб этади.

— Инқироз бошланмасдан турибқ Ўзбекистонда ривожланиш ва саноатни диверсификациялашни таъминлашга қаратилган микрокредитлаш жараёни бошлангани эътиборга молик, — дейди Липпер хоним. — Шу маънода мамлакат ҳукуматининг юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқариш борасидаги режалари ҳам муҳим. Ўзбекистон қўлга киритаётган натижалар мамлакатда инқирозга қарши чоралар дастурини муваффақиятли амалга ошириш учун яхши асос бўлиб хизмат қилади.

**Бельгия дипломатия клуби президенти, «Ля газет дипломатик» журнали муҳаррири Р. Буассен** Ўзбекистон Президентининг ҳозирги вақтда молиявий-иктисодий инқирознинг олдини олиш ҳақида эмас, балки ундан чиқиш ҳақида гапирди. Керраклиги тўғрисидаги фикрга эътибор қаратади.

**«ЎЗБЕКИСТОН ҚЎЛГА КИРИТГАН НАТИЖАЛАР ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИНИ МУВАФФАҚИАТЛИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЯХШИ АСОС БЎЛАДИ»**

«Ўзбекистон шароитида инқироздан чиқиш стратегияси «янг ички қурмай туриб, эскисини бузмаган» тамойилига асосланади. — деди Р. Буассен. — Шу маънода 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўз вақтида ишлаб чиқилиб ҳаётга тadbик этилатганини таъкидлашни истардим. Унда иқтисодиётга устувор эътибор қаратилиб, Президент томонидан белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишини қўлайлаштиришга қодир бўлган воситалар бирлаштирилиши назарда тутилди.

Аҳамиятлиси, инқирозга қарамай, аҳолини иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилиш, одамларнинг турмуш даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Президент илгари белгиланган йўналишдан қатъий бориб, босқичма-босқич тараққиёт сиёсатини давом эттирмоқда ва бу, ўз навбатида, мамлакат аҳолисини томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда.

Президент асаридида мамлакат раҳбарининг айтишича, инқирозга қарамай, аҳолини иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилиш, одамларнинг турмуш даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Президент илгари белгиланган йўналишдан қатъий бориб, босқичма-босқич тараққиёт сиёсатини давом эттирмоқда ва бу, ўз навбатида, мамлакат аҳолисини томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда.

олиб, қилиниши керак бўлган ишларни аниқ белгилаб беради».

**Куддус шаҳри университетининг профессорлари Владимир Месамеднинг** таъкидлашича, жаҳон молиявий-иктисодий инқирози илгари учрамаган ҳолат бўлиб, бир қарашда бақувват, аслида эса анчайин заиф иқтисодиётга эга бўлган йирик мамлакатларни ҳам, эндигина тикланиш жараёни кетаётган давлатларни ҳам жиддий синавдан ўтказмоқда. Ёш мустақил давлатлар учун инқирозга қарши туриш уларнинг ривожланиш ва ислохотларни амалга оширишга қодир эканини, иқтисодий модели барқарор эканини амалда исботлаш учун берилган тарихий имкониятидир.

Глобал молиявий-иктисодий инқироз шароитида Марказий Осиёдаги масалаларнинг ҳал этилиши минтақа мамлакатлари раҳбарларининг прагматиклиги даражасига

бериб, бор куч ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қатъий ишонч уйғотмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон халқи ва раҳбариятига глобал молиявий-иктисодий инқироз таҳдидларига астойдил қарши туришда муваффақиятлар тилашни истардим, зеро бу мустақил Ўзбекистон тўғрисида қарашларимиз яна бир бор исботланади».

**Хитойнинг «Sinacot Textile Co., LTD» компанияси бош менежери Франк Жананг** Президентнинг асаридида Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари, дунё молиявий-иктисодий инқирозининг мамлакат иқтисодиётига таъсири ва унинг олдини олиш ҳамда юмшатишга хизмат қилган омиллар чуқур таҳлил қилинганига эътибор қаратади.

Ишбилармоннинг таъкидлашича, банк тизимининг қўллаб-қувватлиниши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник жиҳатдан янгилаш ва диверсификациялаш, инновация технологияларни кенг жалб этиш — инқирозни енгиб ўтиш ҳамда Ўзбекистон жаҳон бозоридида янги марраларни забт этишининг ишончли йўли.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришни босқичма-босқич ва илчил усули муваффақиятли тарзда амалга оширилиб, узоқ муддатли тараққиёт истиқболларининг ёрқинлиги ҳамда Ўзбекистон миллий саноатни ривожлантириш ва экспорт стратегиясини ишлаб чиқишдан манфаатдор эканини намойиш этади.

Мамлакатда қўлай инвестиция муҳитини яратилиши Ўзбекистондаги тузилмавий ислохотларни жадаллаштиришнинг асосий омил бўлди, дейди Ф. Жананг.

Президент Исло Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳаётга тadbик этила бошлагани нафақат инқирозга қарши туриш ва унинг иқтисодиётга салбий таъсири камайитириш, балки инқироздан сўнг янада кучли, барқарор ва мутаносиблашган иқтисодиётни яратиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон аҳолисининг турмуш тарзини юксалтириш ва фаровонлигини оширишга хизмат қилади».

**Хитойнинг Циньдао шаҳри Савдо-саноат палатаси раиси Суй Жоннинг** таъкидлашича, ўтган йиллар давомида мамлакатнинг иқтисодий-иқтисодий ривожланишида эришилган муваффақиятлар, иқтисодиётнинг жадал сурьатда ўсиши, авваламбор, Ўзбекистонда бир пайтлар амалга оширила бошлаган чуқур ўйланган ва узоқни қўзғовчи сиёсатнинг самараси бўлиб, у иқтисодиёт тузилмасини тубдан ўзгартириш ва диверсификациялаш, қисқа муддат ичида мамлакат учун янги бўлган соҳаларни ўзлаштириш, модернизация дастурини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни техник ва технология жиҳатдан янгилаш, замонавий бозор инфратузилмасини яратишга қаратилгандир.

«Жаҳон» АА

**УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР ИЖОДИ КЎРГАЗМАСИ**

**Ўзбекистон Бадий академияси А.Хўжаев номидаги Республика Дизайн коллежида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган бадий кўргазма ташкил этилди. Унда коллеж ўқитувчилари ва ўқувчиларининг тасвирий санъатнинг турли йўналишлари бўйича юздан зиёд ижодий иши намойиш этилмоқда.**

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т.Кўзиёев Президентимиз Исло Каримов ташаббуси билан юртимизда ёш авлодни пухта биллими, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қатъий эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ёшларни жаҳон санъати амаллари билан яқин алоқада тутиш, улар маънавиятини юксалтириш мақсадида юртимизда барпо этилаётган мусика ва санъат мактаблари, коллежлари, бадий галерейлар, болалар ва ўсмирлар бадий ижодиёт марказлари бунинг далилидир. Бу эса, ўз навбатида, ёшларнинг эстетик дидини тарбиялаш, комил шахс бўлиб вояга етишида муҳим омил бўлмоқда.

Салкам тўққиз юз нафар ўқувчи билан олаётган ушбу коллежда реклама ва амалий графика, бадий компьютер графикаси, мебелларни лойихалаш, интерьер ва жиҳозлар, бадий нақошлик, лакли миниатюра, ландшафт дизайн, бадий гач ва ўймакорлик, каштачилик, зардўзлик, заргарлик буюмларини безаш каби қўллаб-қувватланган мутахассислар тайёрланади. Айтиш мумкин коллежнинг қўллаб-қувватлаш бадий ижодиёт марказлари бунинг далилидир. Бу эса, ўз навбатида, болалар ижодиёти марказларида фаолият кўрсатмоқда.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

**ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ**

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Уммон Ўзбекистон билан муносабатлари, хусусан, иқтисодий соҳадаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қатъий эътибор қаратаётганини таъкидлади. Ёшларни жаҳон санъати амаллари билан яқин алоқада тутиш, улар маънавиятини юксалтириш мақсадида юртимизда барпо этилаётган мусика ва санъат мактаблари, коллежлари, бадий галерейлар, болалар ва ўсмирлар бадий ижодиёт марказлари бунинг далилидир. Бу эса, ўз навбатида, ёшларнинг эстетик дидини тарбиялаш, комил шахс бўлиб вояга етишида муҳим омил бўлмоқда.

тириш ниятида эканлигини қайд этди. Бизнес-форум юзунда Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Уммон Султонлиги савдо-саноат палатаси раиси Халил Абдуллоҳ Ал-Хонжий. — Биз Ўзбекистон бозорини ўзинимиз учун истиқболли, деб биламиз. Ўзбекистондаги қўлай сармоявий муҳит уммонлик ишбилармонларнинг турли йўналишларида, жумладан, савдо, сармоя, нефть-газ, озиқ-овқат саноати, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаларида ҳамкорлик қилишга қизиқишини тобора қўлайитиришмоқда. Ташриф давомида Самарқанд ва Бухорода ҳам бўлибди. Бу гўзал тарихий шаҳарлар, шунингдек, пойтахтининг Тошкент бизда унутилмас таассурот қолдириди.

Анжуманда Уммоннинг қатор йирик компанияларидан қўллаб-қувватлаш иштирокидаги ҳамкорлик шартлари ҳақидаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Уммон фирма ва компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофида муҳокама қилинди. Давлатлараро иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришда ишбилармонлар ўртасидаги шериклик алоқалари қўламини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

— Уммон Султонлиги савдо-саноат палатаси раиси Халил Абдуллоҳ Ал-Хонжий. — Биз Ўзбекистон бозорини ўзинимиз учун истиқболли, деб биламиз. Ўзбекистондаги қўлай сармоявий муҳит уммонлик ишбилармонларнинг турли йўналишларида, жумладан, савдо, сармоя, нефть-газ, озиқ-овқат саноати, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаларида ҳамкорлик қилишга қизиқишини тобора қўлайитиришмоқда. Ташриф давомида Самарқанд ва Бухорода ҳам бўлибди. Бу гўзал тарихий шаҳарлар, шунингдек, пойтахтининг Тошкент бизда унутилмас таассурот қолдириди.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири



**ТАШАББУСКОРЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ТАНЛОВИ**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бўлиmlари республика ва маҳаллий тузилмалар билан ҳамкорликда қўрик-танловнинг туман, шаҳар ҳамда вилоят босқичларини ташкил этди. Уларда камиди уч йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган микрофирмалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари, фермер ҳўжаликлари раҳбарлари, хўнарамдорлар, амалий санъат усталари иштирок этди.

ҳимберди Раҳимов йилнинг энг яхши тадбиркори деб топилди. У раҳбарлик қилаётган корхона тикуччилик, трикотаж буюмларини тикиш билан шуғулланади. Корхона Туркия, Россия, Германиядаги ҳамкорлари билан яқин алоқаларни йўлга қўйган. 2007 йилда мазкур хусусий корхона 360 миллион сўм даромад олган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 606 миллион сўмга етди.

Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидан Раҳимиддин Шаропов энг яхши фермер деб эълон қилинди. Унинг фермер ҳўжалиги кўп тармоқли бўлиб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Фермер замонавий агротехнологияларни қўллаган ҳолда қорамол, паррандаларни йилдан-йилга кўпайтиришга эришмоқда. Фермер ҳўжалигида бир неча турдаги гўшт ва сўт маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

«Энг яхши хўнарамдор» йўналишида Бухоро шаҳридан Алишер Хайдаров голиб чиқди. Уста қадимий технологиялар асосида Бухоро заргарлик санъати мактабини ривожлантиришнинг давом эттирмоқда. Миллий услубда тайёрланган зеби-зийнат нафақат мамлакатимиз, балки чет элда ҳам харидордир. А.Хайдаров қўллаб қалқаро кўргазмаларда ҳам совринли ўринларга сазовор бўлган.

«Ташаббус — 2009» голиб ва совриндорларига диплом ҳамда мукофотлар топширилди. Таъкидлаш жоизки, уларга танловда қўлга киритилган галаба халқаро танловлар, ярмаркалар, семинарларда иштирок этиш ҳўқуқини, ўз йўналишлари бўйича чет элда малака ошириш имкониятини беради.

«Ташаббус — 2009» кўрик-танлови голиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросими Ўзбекистон санъат усталари концерти билан янгуланди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири

Танлов аянларини сарҳисоб қилишдан олдин Маданият ва санъат кўргазма залида асосий мукофотга даявогарларнинг маҳсулотлари кўргазмаси намойиш этилди. Махкаматимизнинг турли ҳудудларида тайёрланган товар ва буюмлар нафақат танлов ҳаётияти, балки тадбирга ташриф буюрганлар, шу жумладан, хориқлик меҳмонларда ҳам қатта қизиқиш уйғотди.

«Ташаббус — 2009» кўрик-танлови учта асосий — «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер» ва «Энг яхши хўнарамдор» йўналиши, шунингдек, танлов тўғрисидаги низомада белгиланган махсус номинациялар — «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг ёш тадбиркор», «Энг ёш фермер», «Энг ёш хўнарамдор», «Ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида энг фаол тадбиркор» ва бошқа номинациялар бўйича танлов иштирокчиларининг ютуқлари ҳар томонлама ҳолис баҳоланди.

«Ташаббус — 2009» танлови голибларининг номлари эълон қилинди. Уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринлари — «Матиз» автомобиллари тантанали равишда топширилди. Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги «Барчиной» хусусий корхонаси раҳбари Ра-

**Танловлар**

**ЗУККО КИТОБХОНЛАР АНИҚЛАНДИ**

**ИЛМ КАЛИТИ КИТОБ ГАР ҲИСОБИДА БОБМА-БОБ, ҲАҚИҚАТИ БОР БИЛИМИНИ, ОЧАР БАҲРИ ДИЛИНИНИ.**

Дарҳақиқат, китоб маънавият сарҳисобидир. Унинг ҳар бир саҳифасида олам-олам сир ва синаот мужассамдир. Республика болалар кутубхонасида ҳар йили аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг яхши китобхона республика кўрик-танлови ҳамда ўзига хос мазмун ва маъно кўриб олиб, энг доно ва зукко, билимли китобхонларни аниқлаб беришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Яқинда Болалар кутубхонасида мазкур танловнинг якуловчи босқичи ўтказилди. Биринчи босқич республикамиз шаҳарлари, туманлари ва қишлоқ жойлардаги ахборот-ресурс марказларида бўлиб ўтди ва унда 10000 дан ортик китобхонлар иштирок этдилар. Иккинчи босқич эса республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва пойтахтимизда ўтказилди, унда 500 нафардан ортик болалар ва ўсмирлар қатнашди.

Учинчи босқичга нафақат кутубхонага кўп келадиган ва кўп китоб ўқийдиган, шу билан бирга ўз ахборот-ресурс марказининг оммавий дастурлари, кўрик-танловлари, виқториналари ва ижодий лойиҳаларида фаол иштирок этишга эришган, туман, вилоят танловларининг голиблари тақдир этилди.

— Ушбу танловни ўтказишмизда асосий мақсад, — дейди Республика Болалар кутубхонаси директори Фотима Бухорова, — ёшларда китобга бўлган муносабатини янада ошириш, китобхонларнинг билим олишга бўлган интилишини янада кучайтириш, китоб ва ўқиш маданиятига бўлган қизиқишларини рағбатлантириш, шунингдек, болалар ва ўсмирларни мустақил фикрловчи, теран фикрли, маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда китобларнинг ўрни нечоғлик бекиёс эканлигини тушунириш боришдан иборатдир. Зеро, китоблар дунёсидида жамики яхшиликлар, эзгуликлар, меҳр ва оқибат, инсонийлик фазилатларининг барча ижобий томонлари қамраб олинди. Шунинг баробарида ёмонликлар, нафрат, қабҳат ва разилликка нисбатан эса тийрақлик ва зукколик билан жағоб бериш ўргатиб борилади. Ҳар бир китоб китобхонга бир уммон ҳисобланади. Унда доимо қадримиз қадрлиб, кўнгилмииз эзгуликдан баҳра олади, умидлар ва соф орузлар эса унинг ҳар бир саҳифасида рўбга чиқаради.

Ушбу кўрик-танлов кўтаринки қувноқ кайфиятда, ҳаяжон оқлишларга бой ҳолда якунига етди. Олий мукофот Гран-при эса, Юнусобод туманидаги 9-мактаб ўқувчиси Муҳиддин Муталовага, юқори ўрин Фарғона вилоятдан Фароғат Зиятовага, биринчи ўрин Тошкент вилоятдан Нозима Аҳатовага, иккинчи ўрин Навоий вилоятдан Ирода Раҳмонова, учинчи ўрин эса Наманган вилоятдан Наима Пулатовага насиб этди.

Ҳалилар «Шарк» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Сен ёлғиз эмассан» хайрия жамғармаси ва бошқа ҳоми шаклилар томонидан турли соғвалар билан муносиб тақдирландилар. Танлов сўнгидида голибларнинг фикрлари билан қизиқдик.

**Гран-при соҳиб, шахримиздаги 9-мактаб ўқувчиси Муҳиддин Муталова:**

— Ростини айтсам жуда ҳам ҳаяжонданам ва мамнунман. Ушбу китобларим айнан шу кунни мени қўллаб-қувватлаб туришди. Амин бўлдимки китоблар бизнинг ҳақиқий дўстларимиз ва ҳимоячиларимиздир. Барча тенгдош дўстларимга қарата фақат китоб ўқинг ва уларни авайланг деган бўлардим. Бу танловда онгим ва шуурим янада тинчқлашди. Ҳимоя бўлган ишончин ортди. Анчагина дўстлар орттирдим, уларнинг фикрлари, қизиқишлари билан яқиндан танишдим. Барча китобхонларга, ушбу танловни ташкил қилган кутубхона жонқуярларига, устозларимга ва ҳомиёларга иштирокчилар номидан миннатдорчилик билдириб қоламан.

Гулчеҳра САТТОР кизи

**Наврўз нашидаси**

**ҚАЛБЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ**

Пойтахтимизда кечадиган Наврўз нашидаси ўзига, гўзал ва тароватли, янгилини, меҳр-муруват байрами боис дошқозонларда сумалак пиширлиб, тўкин дастурхон атрофида кўтаринки кайфият билан аҳоли дийдорлашмоқда. Кунин кеча Ҳамза туманидаги «Дўстлик» маҳалласида ҳам ушбу озали қадриятларимиз, бардов аъаналаримиз, урф-одатларимиз рамзи ҳисобланмиш Наврўз оламини кўп миллатли маҳалла фуқаролари аҳил-омонликда нишонлашди.

— Наврўз ва баҳор айёми ҳар гал бизга янглича шуқуҳ, завқ-шаҳқ бағишлади, — дейди мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хонзода Абдуқалилова, — у бизга ҳаётнинг нақадар гўзаллигини эслатиб, ҳар бир лаҳзасини бахтиёр ва сармазун, сарваз қилиб ўтказишга ундайди. Айнан шу завқ-шаҳқи, жисму жонимизга ёғилиб келаётган гайрат-шижоатни хусусан, бизнинг 4700 нафар маҳалламиз аҳли турли-туман наврўзий удумлар билан — сумалак тайёрлаш, ҳалим пиширлиш, хонадон, кўча, майдонларни саранжом саришталаш, ободонлаштириш, таъмирлаш, эл-юрт ризқ-рўзи учун мевали дарахлар ўтказиш, гуллар экиб, боғлар яратиш билан намоён этмоқда.


Байрам дастурхонини атрофида жамулжам бўлган маҳалла фаоллари, нуруний отахон, қайёни омахонлар, қалби қайноқ ёшлар, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар Наврўзнинг Мустақиллигимиз кўрки, шуқуҳи эканлиги, айниқса, гўзал ва ҳамиша навқирон пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллик тўйи нишонланишини бошлаб берадиган бу галги байрам ўзига хос меҳр-муруват, тароват айёмига айлиб бораётгани ҳақида, аждодлардан мерос бўлиб келган қадриятларимизнинг қадрланганлигини хусусидида дилдан сўхбат қуришди. Барча йиғилганлар баҳорин Наврўз таомларидан баҳраманд бўлди, эл суйган санъаткорлар ижросидаги дилтортар қуй ва қўшиқлар янгради, маҳалладаги ҳажжи қизалоқларнинг шуҳушон рақсларидан олам-олам завқланишди.

Ушбу 16 та қўчада ҳовлини уйлари ва 9 та кўп қаватли уйларида иборат турли миллат вақиллари аҳил, иноқ, бир-бирлари билан яқин қадрларидек истиқомат қилган маҳаллада кенг қўламли ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш ишлари бажарилиди. Эътиборли томони, соҳаватли маҳалладошлар ҳашар йўли билан ёлғиз қария, ногиронлар, кам таъминланган ўнта оиланинг уйларида таъмирлаш ишларини амалга оширишди. Жорий йил бошдан бу ерда яшайдиган хусусий тадбиркор (уста дурадгор) Сирожиддин Қариев маҳалла ёшларидан 5-6 нафарига иш ўргатиб, уларга иш ўрни яратди.

«Дўстлик» маҳалласида эрта тонгдан бошланган шодна то оқшомга қадар дамод этди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА





**МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БҮСТОНИ**

**ХИКМАТЛАР**

Хар кимнинг нонини ея берма, аммо ҳаммага нон едир.

Молу давлат орқасидан югурувчи бўлма.

Ҳақ ҳикматини илмингдан афзал бил.

Илмингни эҳтиёт қил.

Ўзингни таъриф этишдан сақлан.

Ҳамиша Аллоҳ шукронасида бўл.

Жонни омонат бил.

Умрингни иноят бил.

Тақдирни тақдир билан боғла.

Соғлиқни ганимат бил.

Охири зиён келтирадиган фойданинг атрофида ўралашма.

Илм ўрганишдан асло тинчима.

Калондаҳанлик қилма.

Насияни мол деб билма.

Мартабаю иззатни илмдан изла.

Афв этмоқни ҳеч кимдан дариг тут-ма.

Рост йўлда енгилтақлик қилма.

Душмани ҳақир билма.

Дўстинг минг бўлса ҳам кам.

Хар қандай душмандан эҳтиёт бўл.

Сендан кўрққандан сен ҳам кўрк.

Дўстларингнинг дўстлари орасида бўл.

Дўстингни душманидан гофил бўлма.

Раҳмсизга шафқат қилма.

Нокасан қарз олма.

Аждодларинг қадрини эъзозла.

Жоҳил зоҳидга инонма.

Омонатга хиёнат қилгувчи бўлма.

Носинашта одам билан сафарга чиқ-ма.

Хирсу хусуматни нажосат бил.

Ўз мисқолингни ўзгалар ботмонидан афзал бил.

Одамларнинг олдида нима десанг,

Орқасидан ҳам ўшани гапир.

Бировнинг молига муҳтож экансан,

Билгилки, унинг қулсан.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ таржималари

**ПРОФИЛАКТИКА ТАДБИРЛАРИ МУҲИМ ОМИЛ**

**ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ 1996 ЙИЛДАН БОШЛАБ ҲАР ЙИЛИ «СИЛГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИНИ» НИШОНЛАБ КЕЛМОҚДА. БУНДАН МАҚСАД, ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ЭЪТИБОРИНИ СИЛ КАСАЛЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИГА ҚАРАТИШ ВА АҲОЛИ ЎРТАСИДА КЕНГ МИҚЁСДА ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШДИР.**

Шу мақсадда шаҳар болалар сил сирхатгоҳида Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали, Учтепа туман Саломатлик маркази ҳамда мазкур сирхатгоҳ ҳамкорликларида «Сил бедаво эмас» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирни Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали директори ўринбосари Н.Азимова кириш сўзи билан очиб, аввало йиғилганларни Наврўз айёми билан қутлади ҳамда ЖССТ томонидан ҳар йили «Силга қарши кураш куни» нишонлаб келинаётганлигини,

бундан мақсад жаҳон жамоатчилиги оммаси эътиборини сил касаллигининг олдини олиш чора-тадбирларига қаратиш ва аҳоли ўртасида кенг миқёсда тушунтириш ишларини олиб бориш кераклигини қайд этиб ўтди. Шундан сўнг шаҳар болалар сил касалликлари сирхатгоҳи бош шифокори Ш.Раҳимова «Сил бедаво эмас» мавзусида маъруза қилиб, силни энгил учун шифокор тавсия этган дори воситаларини ўз вақтида қабул қилиш, муддатидан илгари тўхтатмаслик, қувват берадиган овқатларни истеъмол қилиш, кўпроқ

тоза ҳавода сайр этиш зарурлигини тушунтирди. Тадбирда шунингдек, «ДОТС дастурининг асосий тамойиллари ҳақида» МСГнинг раиси У.Лутфуллаева сўзга чиқиб батафсил маълумот бера экан, 1998 йилдан буён республикада силга қарши курашда ДОТС услуби қўлланилаётганлиги, бу услубни 1997-98 йилларда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг эксперти Корел Стибло Танзания ва Мозамбик мамлакатларида ишлатган ва яхши натижаларга эришганлигини, шундан бери бу усул омаллашиб, ҳозирги кунда жаҳоннинг

кўпгина мамлакатларида силга қарши курашнинг асосий услуби сифатида қўлланилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Тадбир доирасида шаҳар болалар сил касалликлари сирхатгоҳида даволанаётган болалар асфальтга расм чизиб, варрақлар учиринди, Шу кун кам таъминланган оилалар фарзандларига соғвалар улашди.

**ДИЛОРОМ ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА** шаҳар болалар сил касалликлари сирхатгоҳида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар. **Алексей Попов олган суратлар**



**ШАҲРИМИЗДА ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БАҲОРГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИНИ МАРОҚЛИ ВА МАЗМУНЛИ, ҚИЗҚАРЛИ ВА ЭСДА ҚОЛАРИ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ МАҚСАДИДА ҚАТОР ДАСТУР ВА РЕЖАЛАР ТУЗИЛИБ АМАЛГА ОШИРИЛА БОШЛАДИ. АНА ШУНДАЙ КЎНГИЛОЧАР ТАДБИРЛАРДАН БИРИ ЙИКИДА ШАҲРИМИЗДАГИ 15-БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САҢЪАТ МАКТАБИДА БЎЛИБ ЎТДИ.**

**Саънат**

**КЎНГИЛЛАРГА ДАРМОН ҚЎШИҚ**

—Баҳор фасли нафосатни, гўзаллиқни, кўркамликни, балки энг яхши байрамларни ҳам ўзида мужассамлаштириб олган фасллардан бири ҳисобланади,— дейди 15-Болалар мусиқа ва саънат мактаби директори Хамидулла Саъдуллаев. —Наврўз байрамининг айнан шу фаслда нишонланишида ҳам катта маъно мужассам. Чунки бу фасл уйғонош, яшариш ва янгилашни ўзида камраб олган. Она ер уйғоноши, қуёшнинг илик тафту ҳарорати, бободехонларнинг умид билан ерга уруғ қадаши, тоғдаги қорларнинг эриб зилот сувларга айланиши, қушларнинг узок ўлкалардан учиб келиши— бар-

ча-барчасининг замирида тўкинлик, барака, меҳр ва оқибат каби муқаддас туйғулар жамланган. Бизнинг мактаб жамоаси ҳам баҳор фаслининг дастлабки кунларидаёқ баҳорги таътилга бағишлаб ранг-баранг концерт дастурларини тузиб мухлисларга, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига тақдим этадилар. Меҳрибонлик уйидаги ва махсус мактаблардаги тенгқурларнинг кўнглини олиш, улар қалбига олам-олам қувонч бахш этиш, ўқувчиларнинг ўзига ҳам завқ-шавақ, шодлик бағишлайди.

Дарҳақиқат, 15-Болалар мусиқа ва саънат мактаби ўқувчилари ҳар йили баҳор фаслида ўзларининг кўнгилочар концерт дастурларини намойиш этадилар. Дастлабки концерт дастури ўқув масканининг ўзида ўтказилди.

Бу йилги концерт дастурини ўзбек халқ чолғулари бўлими ўқувчилари, устозлари ёрдамида намойиш этидилар.

Концерт дастурида доира синфи гуруҳи ижросида «Кўнча», биринчи ва иккинчи синф ўқувчилари Муборак Жўраҳўжазода ва Моҳира Зиёвиддинова ижросида «Яллама-ёрим», 2-синф ўқувчиси Холида Анварова ижросида «Дулочча», шунингдек, «Жон», «Янги тановар», «Мафтунингман», «Дилхирож», «Рақс», «Туркча рақс», «Олма отдим», «Тошкентим», «Қари наво», «Чақра-чақи», «Дурдона», номли бир қанча куй ва қўшиқлар, дилбар рақслар Анвар Соатмуродов, Фозил Фарҳодов, Бунёд Абдуллаев, Бекзод Шокиров, Мухлисахон Агзамова каби бир қатор иқтидорли ўқувчилар томонидан маромига етказиб ижро этилди.

Концерт меҳмонларда ва кечага ташриф бурган ота-оналарда катта тассурот қолдирди. Тадбир сўнггида улар сўзга чиқиб, мактаб ўқитувчиларига ва ўқувчиларга ота-оналар номидан ташаккур билдирдилар.

Мазкур мактаб ўқувчилари баҳорги таътил кунларида Чилонзор туманидаги Меҳрибонлик уйи ва махсус мактабларда ўз концерт дастурларини намойиш этидилар. Бу уларнинг тенгдошларига байрам совғаси ҳисобланади.

**Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: концерт дастуридан лавҳалар.**



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Спорт янгиликлари**

**ГАЛАБА ВА ДУРАНГ ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ВА ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ 2010 ЙИЛИ ЎТКАЗИЛАДИГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИНИНГ САРАЛАШ БЕЛЛАШУВЛАРИГА ПУХТА ТАЙЁРЛАРЛИК КЎРИШ МАҚСАДИДА ДАСТЛАБКИ ХОРИЖИЙ ЎҚУВ-МАШГУЛОТ ЙИГИНИНИ ТУРКИЯДА ЎТКАЗМОҚДА.**

1991 йилда туғилган футболчилардан таркиб товланган ёшлар терма жамоасига Марат Кабаев устозлик қилмоқда. Мазкур терма жамоа китъа чемпионатининг "D" саралаш гуруҳида Эрон, Ливан, Туркменистон, Мальдив ороллари ва Покистон вақиллари билан рақобатлашади. Осие футбол конфедерацияси қарорига биноан жорий йилнинг 1-15 ноябрь кўни бўладиган саралаш ўйинлари-га Покистон мезбонлик қилади.

Марат Кабаев бошчилигидаги мураббийлар гуруҳи янги жамоани тузиш учун эллик нафардан зиёд энг иқтидорли ёш футболчиларни бир неча босқичдан иборат ўқув-машгулот йиғинида синодан ўтказди. Хар томонлама ўзини кўрсатган йигирма нафар футболчи Туркияда ташкиллаштирилган йиғинга жалб қилинди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сафардаги дастлабки ўртоқлик учрашувини Даниянинг "Болдклубен" клубига қарши ўтказиб, 2:1 ҳисобида зафар қучди. Мазкур бахда ҳамюртларимиз тезкор футбол намойиш этишга ҳаракат қилди. Бунинг самараси ўларок, "Нефтчи" жамоаси тарбияланувчиси Павел Смоличенко биринчи бўлимдаёқ ҳисобни очди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида данияликлар вазиятни тенглаштиришди. Лекин сўнгги дақиқаларда устунлиқни яна ўз томони-га олдирган ўзбекистонликлар галаба тўпини киритди. Бу вазиятда "Бунёдкор"нинг ис-

теъодли ҳужумчиси Дмитрий Кузин ўзини кўрсатиб, галаба голи муаллифи бўлди.

1994 йилда таваллуд товланган футболчилардан иборат Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осие чемпионатининг саралаш учрашувларини жорий йилнинг 3-18 октябрь кунлари ўтказди. Алексей Евстафеев устозлик қилаётган жамоа вақиллари китъа чемпионати-га йўланма олиш учун "А" саралаш гуруҳида Саудия Арабистони, Қувайт, Шри-Ланка, Покистон ва Афғонистон футболчилари билан рақобатлашади. Ҳозирча, саралаш ўйинлари қайси мамлакатда ўтказилиши номаълум.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Туркиядаги биринчи ўртоқлик учрашувини маҳаллий "Копе Белдер Спорт" клуби тарбияланувчиларига қарши ўтказди. Беллашувда ўзбекистонликлар устунликка эришган бўлса-да, хар икки жамоа вақиллари ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолди ва учрашувда ҳисоб очилмади — 0:0.

**У-ШУ УСТАЛАРИ "ЖАР"ДА УЧРАШДИ**

**"ЖАР" СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУИДА ЯККАУРАШНИНГ У-ШУ ТУРИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИДА ЮЗ НАФАРДАН ЗИЁД СПОРТЧИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

Шахсий биринчилиқда юртимизнинг энг тажрибали у-шу усталари — Исмоил Магомедов, Нодир Ҳасанов ва Артём Оudin голиб қикди. Мусобақада хар томонлама ўзини кўрсатган И.Магомедов олтин медал билан бирга навбатдаги жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган йўланма-ни қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида МХСК жамоаси вақиллари голиб қикди. Қолган совринли ўринлар «Олимпия» ва «Тенгдош» клублари шарафини ҳимоя қилган у-шу усталарига на-сиб қилди.

Боҳир БЕК

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидда 2009 йил 21 апрель кўни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!**

Аукцион савдосига тақрибан, Тошкент шаҳар, Яқкасарой туман суд ижрочилиги бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Юносубод туман судининг 24.12.2008 йилдаги 1137/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, С.Раҳимов туман, Себзор жарима майдончасида сақланаётган, «Дамас» русумли, д/р 10AQ906 бўлган, 2005 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси— 10 032 884 сўм.

Мазкур автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вақили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истигадиги талабгорлардан аризаларини қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдода катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси— РКМБнинг «Ипак Йўли банки» ОИМК Саёгон ф-даги қуйидаги ҳисоб - рақамига тўлашлари шарт: 2021000300571452114, МФО-01036, ИНН-200933850. Манзил: Тошкент ш. С. Раҳимов т. М. Ураътоев кўчаси, 1А-й. Тел: 228-79-52. www.rhmb.uz. Лицензия: DB 001 №000004.

**Савдоларга марҳамат!**

**Табиий газдан фойдаланувчи Тошкент шаҳри аҳолиси диққатига!**

1. 2009 йил 1 апрелдан табиий газ учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2009 йил 27 мартда тасдиқланган янги тарифлар жорий қилинади.

2. Аҳоли томонидан уйлар ва хонадонларни яқка тартибда иситиш учун фойдаланилган табиий газ ҳақи, иситиш газ асбобидан қатъи назар, иситиш мавсумининг беш ойи мобайнида ойма-ой тенг миқдорда белгиланади. Нарҳнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига бериладиган табиий газ сарфи меъёрини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан иситиш мавсуми беш ойидан кўп ёки кам белгиланса, фойдаланилган табиий газ ҳақи тегишли равишда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3. Иситилмаган майдон меъёри бир кишига 43 метр куб ҳисобда белгиланган. Иситилмаган хонанинг меъёри ҳажмининг (бир кишига 43 метр куб) иситиш учун фойдаланиладиган газ ҳажми учун тўлов белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади, иситилмаган хонанинг меъёридан юқори ҳажми учун тўлов эса газ ҳажмининг бир ярим баравари ҳисобида амалга оширилади.

4. Табиий газдан иссиқхоналар, алоҳида (автомом) сув иситгичлар ва иситиш қозонлари учун фойдаланилса, шунингдек, яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланишда тандирилар, овқат пишириш қозонлари учун фойдаланилса, табиий газ ҳақи улгуржи истеъмолчилар учун белгиланган тарифлар бўйича тўланади. Агарда, газ ҳисоблагич бўлмаса, сарфланган табиий газ ҳажми газбандиргич асбобининг кечаю кундуз энг кўп (максимал) қувватда ишлайдиган иш тартиби ва шартнома билан белгиланган иситиш даври бўйича аниқланади.

**1. Табиий газдан фойдаланишда аҳоли учун белгиланган тарифлар:**

№	Истеъмолчилар турлари	Стандарт ёки ТУ	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун тариф (сўм)
1.1	Газ ҳисоблагич ўрнатилган аҳоли хонадонларига бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10 метр куб	366,00
1.2	Газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган аҳоли хонадонларига бериладиган газ	-/-	10 метр куб	632,52
	Овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун			
	Ингитиш учун	-/-	10 метр куб	293,31

**2. Коммунал маънавий эҳтиёжлар учун табиий газдан фойдаланишда газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган хонадонлар учун белгиланган тарифлар (ГОСТ 5542-87):**

№	Истеъмолчилар тасвифномаси	Ўлчов бирлиги	Тариф бўйича тўлов (сўм)	Илтимос ойнак
2.1	Марказий (яқка) иссиқ сув таъминоти-га эга бўлган уйларда овқат пишириш учун маънавий газ пилтаси	1 кишига 11 метр куб	8 349,30	695,77

2.2	Марказий иссиқ сув таъминоти-га эга бўлмаган уйларда овқат пишириш учун маънавий газ пилтаси	1 кишига 15 метр куб	11 385,60	948,80
2.3	Марказий иссиқ сув таъминоти-га эга бўлмаган ёки иссиқ сув билан вақтин- вақтин билан таъминланадиган уйларда иссиқ сув билан таъминлаш учун газли сув иситгичи.	1 кишига 16 метр куб	12 144,65	1012,05
2.4	Ингитиш газ асбобининг турлари қатъи назар, уйлар яқка тартибда иситилмаган шароитда, беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда, газдан тақсим йил мобайнида бир маромда фойдаланиш	Хонанинг 1 метр кубга 5,76 метр куб	844,75	168,95

Эслатма: Аҳоли газ истеъмолчилари томонидан 2009 йил 1 апрелгача сарфланган газ ҳақи газ ҳисоблагич кўрсаткичи бўйича 2009 йилнинг 10 апрелигача эски тариф (10 м. куб — 300,00 сўм) ҳисобида олинади. 2009 йилнинг 1 апрелдан бошлаб сарфланган газ ҳақи янги тариф (10 м. куб — 366,00 сўм) бўйича амалга оширилади.

**Улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган табиий газ нарҳи: 2009 йил 1 апрелдан жорий қилинади**

Улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган табиий газ нарҳи.	Ўлчов бирлиги	Улгуржи нарҳ, қўшимча қиймат солиғи (КҚС) билан (сўм)
Улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган табиий газ нарҳи.	1000 м.куб	75 700

**Иссиқлик манбаи корхоналари учун табиий газ нарҳи: 2009 йил 1 апрелдан жорий қилинади**

«Иссиқлик манбаи» корхоналари учун етказиб бериладиган табиий газ нарҳи	Ўлчов бирлиги	Улгуржи нарҳ, қўшимча қиймат солиғи (КҚС) билан (сўм)
«Иссиқлик манбаи» корхоналари учун етказиб бериладиган табиий газ нарҳи	1000 м.куб	58 100

**«Тошкентгазтаъминот» УК «Тошкентшаҳаргаз» филиали.**

**UZBEKTELECOM**

**Toshkent Shahar Telefon Tarmog'i**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР «09» МАЪЛУМОТЛАР ХИЗМАТИГА ТАНЛОВ АСОСИДА 30 ЁШДАН ОШГАН, НУТҚИ РАВОН ТЕЛЕФОНИСТЛАР ИШГА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ. НОМЗОДЛАР ЎЗБЕК, РУС ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИНИ ҲАМДА КОМПЬЮТЕРДА ИШЛАШНИ БИЛИШЛАРИ ШАРТ. Маълумот учун телефон: 235-37-76**

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

**Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ  
Буюртма Г- 306

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот босқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3824 нускада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланади.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

2 5 6